
МОДДИЙ ЁРДАМ НАФАҚАСИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

САВОЛ:

Бизни оилавий шароитимиз яхши эмас даромад келадиган жойимиз ҳам йўқ. Қаердан ёрдам сўрашни билмаябмиз. Шунга маҳалладан моддий ёрдам нафақасини олишимиз мумкинми. Ўзи моддий ёрдам кимларга берилади ?

ЖАВОБ:

Ҳукуматнинг 654-сон қарори билан тасдиқланган низомга асосан, моддий ёрдам бола(болалар)сиз ёки барча болалари 18 ёшдан катта бўлган оилаларга ва яққа-ёлғиз фуқароларга 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади.

Моддий ёрдам олишнинг асосий шарти нима ?

Моддий ёрдам нафақаси оиланинг ойлик жами даромади киши бошига 498 минг сўмдан ошмайдиган оилаларга берилади.

Муддат тугаганидан кейин қайтиб берилмайдими ?

Муддат тугаганидан кейин яна олмоқчи бўлсангиз қайта хужжат тайёрлашингиз керак.

Буни аниқ суммаси неча сўм?

Ҳозирги кундаги моддий ёрдамнинг аниқ миқдори бир ойга 380 000 сўм

Ўзбекистон тумани Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси

2022-05-05 10:59:33